



ЎЗМУ ХАБАРЛАРИ

ВЕСТНИК НУУЗ

АСТА НУУЗ

**МИРЗО УЛУГБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ**

**ЖУРНАЛ
1997
ЙИЛДАН
ЧИҚА
БОШЛАГАН**

**2021
1/6/1**

**Ижтимоий-
гуманитар
фанлар
туркуми**

Бош муҳаррир:

И.У.МАДЖИДОВ – т.ф.д., профессор.

Бош муҳаррир ўринбосари:

Р.Х ШИРИНОВА – ф.ф.д., профессор

Таҳрир ҳайъати:

Сагдуллаев А.С. – т.ф.д., проф.

Аширов А.А. – т.ф.д., проф.

Баллиева Р. – т.ф.д., проф.

Маликов А.М. – т.ф.д., проф.

Юсупова Д.Ю. – т.ф.д., проф.

Муртазаева Р.Х. – т.ф.д., проф.

Мадаева Ш.О. – ф.ф.д., проф.

Туйчиев Б.Т. – ф.ф.д., проф.

Мухаммедова Д.Г. – псих.ф.д.

Тўхтаев Х.П. – ф.ф.н., доц.

Болтабоев Ҳ. – фил.ф.д., проф.

Рахмонов Н.А. – фил.ф.д., проф.

Жабборов Н.А. – фил.ф.д., проф.

Сиддикова И.А. – фил.ф.д., проф.

Ширинова Р.Х. – фил.ф.д., проф.

Садуллаева Н.А. – фил.ф.д., доц.

Арустамян Я.Ю. – фил.ф.д., доц.

Пардаев З.А. – фил.ф.ф.д., PhD.

Масъул котиб: **З. МАЖИД**

ТОШКЕНТ – 2021

МУНДАРИЖА

Тарих

Махмудов О. Асарлари ўрта аср Европа таржима марказларида лотин тилига ўтирилган яхудий олимлар.....	4
Мачин Г. Нуриддин Акрамович Мухитдинов: политический дискурс со странами азиатско-тихоокеанского региона (атр) (штрихи к политическому портрету).....	8
Расулова Н. Сиёсий партиялар генезиси ва эволюцияси.....	16
Розимова Ё. Амир Темур ҳарбий стратегиясида ҳийлакорлик усуллари.....	20
Файзуллаева М. Ўзбек миллий таомларига хос ижтимоий-маданий анъаналар (Сурхон воҳаси мисолида).....	24
Хиргамов X. Oks svilizatsiyasini davrlashtirish muammosiga doir mulohazalar.....	28

Фалсафа. Педагогика. Методика. Социология

Abdullahov B. Intellektual tizimlarning ta'lif jarayonidagi ro'li.....	31
Абдурахмонова М. Мактабларда болаларни зўравонлиқдан ҳимоялашда ижтимоий иш касбий фаолият усуллари.....	34
Абирова У. Оила, маҳалла ва таълим муассасалари ижтимоий-педагогик ҳамкорлигининг ўрганилганлик ҳолати.....	39
Aytmuratova P., Esanova M. Methods to increase the effectiveness of innovative methods in teaching foreign languages.....	43
Ахмаджонов О. Электрон маданият масалаларига оид баъзи фикрлар.....	46
Бегматов Б. Техника олий таълим муассасаларида талабаларни касбий фаолиятга тайёрлашда амалиётларнинг аҳамияти.....	49
Ботиров Б. Бурхониддин Марғинонийнинг “Ал-Ҳидоя” асарида инсон ҳукукларига оид нормаларнинг умумий тавсифи.....	52
G'apparov E. Ijtimoiy innovatsiyalarning turlari va jamiat sohalarida qo'llanilishining ijtimoiy-falsafiy tahlili.....	56
Дадабаев О. Моделирование учебно-тренировочного процесса и соревновательной деятельности юных дзюдоистов....	60
Джумакулов Ш. Аксинологик қарашлар орқали талабаларнинг фуқаролик компетенциясини ривожлантириш.....	64
Джурاءв Л. Ёшлар иқтисадий хуқуқ-авторида трансформация.....	68
Дуланов Б. Янги Ўзбекистонда сиёсий онгнинг вазифалари ва уни шакллантириш йўллари.....	71
Жабборова О. Бошлангич таълим методикасининг хорижий тажрибалари: Ушинский методологияси.....	75
Жўраев Р. Давлатни худудий-сиёсий ташкил этишда худудларнинг институционаллашуви.....	79
Закирова М. Ўзбекистон Республикасининг туризмни ривожлантириш истикబоллари.....	82
Izbullayeva G. Nosiriddin Tusiyuning “Axloqi Nosiri” asarida yosh davrlar pedagogikasi va psixologiyasi.....	86
Исматова Ш. Хорижий тилларни ўқитишда талабаларнинг билим, кўнким ва малакаларини кредит-модуль тизимида баҳолашнинг назарий асослари.....	90
Йўлчинев М. Техника йўналишидаги талабаларни ўқитишда компетентлик таълим жараёни ривожланишининг муҳим омили.....	93
Кадиров М., Абдурахимов А. Глобал фуқаролик жамияти парадигмасини ривожлантириш асослари.....	96
Kamalova D., Qarshiboyev Sh. Zamonaviy shart-sharoitlarda bo'lajak o'qituvchilarda pedagogik madaniyatni rivojlantirishning ilmiy- metodologik asoslari.....	99
Камолова К. Турмуш тарзи: Янги Ўзбекистонда янгиланиш ва тараққиёт омиллари.....	103
Кенжалев З. Турмуш тарзи: ёшларнинг сиёсий фаолиги ва ҳукукий маданиятини юксалтириш истикబоллари.....	105
Кудратуллаева Р., Имомов И. Армон муаммосининг илмий-методологик асослари.....	108
Quzmanova G. O'quvchilarning matematikadan matlali masalalarini tahlil qilishda, masalalarni o'qitish bosqichlarining o'mi.	112
Мадрахимов А. Мактабларда зўравонлиқнинг оддини олишнинг тизимли таҳдили.....	115
Максудова Х. Нолисоний олий таълим муассасаларининг инглиз тили машғулотларида педагогик технологиялардан фойдаланиш усуллари.....	119
Мамутова Г. Бўлажак ўқитувчиларининг ахборот-коммуникатив компетентлигини ривожлантиришнинг дидактик хусусиятлари.....	123
Матчанов Б. Мактабгача таълим ташкилотларида катта гуруҳ тарбияланувчиларни маънавий-аҳлоқий тарбиялашнинг илмий-назарий асослари.....	127
Makhmадjonov T. Klinik biologik kimyo fanini o'qitishda kompyuter texnologiyalaridan foydalanish.....	130
Махманов Э. Физика дарсларида талабаларнинг мантиқий фикрлаш қобилияти ва касбий компетенцияларини шакллантириш.....	134
Мўминов Б., Джурاءв Д. Ўкув жараёнини самарали ташкил этишда Canva дастурининг имкониятлари.....	140
Muxitdinov A. Konstruktiv kompetensiyalarni shakllantirishda 3D texnologiyalarning didaktik xususiyatlari.....	144
Мухитдинова Х. Ўзбек тили миллий реалияларини хорижий тилларга аслиятида ўзлаштириш муаммолари.....	150
Намазова Ю. Таълим фалсафасида миллий – маънавий тафаккур тараққиёти ва миллий ўзликни англаш.....	153
Нарбеков Н. Талабаларни инновацион муҳандислик фаолиятига тайёрлашда таълим технологияларидан фойдаланишнинг аҳамияти.....	157
Наримбетова З. Умумий ўрта таълим мактабларида геометрия фанини ўқитишнинг меъёрий факторлари.....	161
Nematov L. Oliy ta'linda o'qitish samaradorligini oshirishning muhim yo'nalishlari.....	165
Nortojiyev A. Fizika mashg'ulotlarini integrativ va pedagogik texnologiyalar asosida o'qitish usullari.....	168
Nuraliyeva O. Analysis of innovative methods' effectiveness in teaching foreign languages.....	173
Omonov R. Tabiatshunoslik darslarida kichik maktab yoshidagi bolalarda ekologik fikrashni shakllantirishga yo'naltirilgan mashg'ulotlar tizimi.....	175
Отақулов Ш. Гендер тенглилка амал килиш сиёсати реаллик сифатида.....	180
Radjapova N. Oilaviy munosabatlarda gender stereotiplari.....	185
Rejapova D. O'zbekistonda Talis tadqiqotlariga tayyorgarlik ishlari ni isloh etish.....	188
Сангирова З. Умумтаълим мактабларида замонавий таълим мухитини яратишда ўкув-лойиҳа ишларининг ўрни.....	192
Сатторов А. Марказий Осиё минтақаси хавфсизлигига дин никобидаги тероризмнинг хавфи.....	196
Толибов Б. Шарқ мутафаккирларининг ижтимоий хизматлар борасидаги ёндашувлари.....	200
Толибов Ф. Диний экстремизм тушунчасининг мазмун ва моҳияти.....	203
Тоҳириён А. Бобур шахсияти тимсолида тарихий хотирани шакллантиришнинг тарбиявий аҳамияти.....	208
Тўракулов З. Рақамлаштиришдан рақамли саводхонлика қадар: илмий-назарий таҳдил.....	213
Тўхтасинов Б. Давлат ва миллат муштараклигининг ижтимоий-фалсафий негизлари.....	218



Рӯзимат ЖҮРӘЕВ,

Наманган давлат университети профессори, сиёсий фанлар доктори

INSTITUTIONALIZATION OF TERRITORIES IN THE TERRITORIAL AND POLITICAL ORGANIZATION OF THE STATE

Annotation

In this article, the process of institutionalization of regions in the territorial and political organization of the state is important in achieving the balance of national and regional interests. At the same time, it is noted that in the process of modernization of the country there are a number of problems associated with the organization of "center-territory" relations on the basis of modern requirements.

Key words: territorial interests, institutionalization, "center-territory", "mass government", local government, decentralized, regional models, zoning.

ИНСТИТУЦИОНАЛИЗАЦИЯ ТЕРРИТОРИЙ В ТЕРРИТОРИАЛЬНО-ПОЛИТИЧЕСКОЙ ОРГАНИЗАЦИИ ГОСУДАРСТВА

Аннотации

В данной статье процесс институционализации регионов в территориально-политическом устройстве государства важен для достижения баланса национальных и региональных интересов. При этом отмечается, что в процессе модернизации страны возникает ряд проблем, связанных с организацией отношений «центр-территория» на основе современных требований.

Ключевые слова: территориальные интересы, институционализация, «центр-территория», «массовое управление», местное самоуправление, децентрализованное, региональные модели, зонирование.

ДАВЛАТНИ ҲУДУДИЙ-СИЁСИЙ ТАШКИЛ ЭТИШДА ҲУДУДЛАРНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛЛАШУВИ

Аннотация

Ушбу мақолада Умумдавлат ва худудий манбаатлар мутаносибликга эришишда давлатнинг худудий-сиёсий ташкил этишида худудларнинг институционаллашув жараёни муҳим аҳамиятга эга эканлиги. Шу билан бир каторда, мамлакатни модернизация килиш жараёнида “марказ-худуд” муносабатларини замонавий талаблар асосида ташкиллаштириш билан боғлиқ катор муаммолар мавжудлиги кўрсатилиб, халқ ҳокимиятининг аралаш – давлат-ижтимоий ҳокимият шакли маҳаллий ўзини ўзи бошқариш усусларига батафсил тўхталиб ўтилган.

Калит сўзлар: худудий манбаатлар, институционаллашув, “марказ-худуд”, “оммавий ҳокимият”, маҳаллий ҳокимият, номарказлашган, минтақавий моделлар, минтақалаштириш.

Кириш (Introduction). Умумдавлат ва худудий манбаатлар мутаносибликга эришиш давлатнинг худудий-сиёсий ташкил этишида худудларнинг институционаллашувига бевосита боғлиқdir. Ўз навбатида, худудларнинг институционаллашуви натижасида худудий жамоа ҳамда маҳаллий ҳокимият институтигининг шаклланиши давлатнинг худудий-сиёсий ташкил этилиши, ҳокимият ва бошқа шундок ҳам баҳсли сиёсий категорияларни янада тинклаштириш масаласини кайтадан кўтармоқда. Мустакил сиёсий фанга айланган краталогияда[1], умуман, сиёсий ҳокимиятни амалга оширишда маҳаллий ҳокимият институтигининг ўрганилмаганлиги халқ, оммавий, давлат, хусусан, сиёсий ҳокимият категорияларини тадқик этиш эҳтиёжини намоён қиласди. Мазкур тушунчаларни аникламай, худудларни институционаллашуви, яъни марказ ва худудий бирликлар манбаатларининг мутаносибликга эришиб бўлмайди.

Шу билан бир каторда, мамлакатни модернизация килиш жараёнида “марказ-худуд” муносабатларини замонавий талаблар асосида ташкиллаштириш билан боғлиқ катор муаммолар мавжудлиги ҳам аён бўлмоқда. Айни пайтда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг биринчи устувор йўналиши давлат ва жамият курилишини такомиллаштиришга йўналтирилган демократик

ислоҳотларни чукурлаштириш ва мамлакатни модернизация килишда парламентнинг ролини янада кучайтиришини назарда тутади [2].

Мавзуга oid адабиётларнинг тахлили (Literature review). Конституциявий хуқук бўйича энциклопедик луғатларда “оммавий ҳокимият” халқ ҳокимияти деб эътироф этилиб, унинг, биринчидан, давлат ҳокимияти, иккинчидан, ижтимоий ҳокимият ва, уччинчидан, аралаш шаклларда амалга оширилиши кўрсатилган. Умуман, зикр этилган энциклопедик луғатларда давлат ҳокимияти бевосита халқ ва давлат органлари томонидан амалга оширилиши таъкидланади. Ижтимоий ҳокимият эса, фуқароларнинг сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмаларидаги фаолиятида намоён бўлади. Халқ ҳокимиятининг аралаш – давлат-ижтимоий ҳокимият шакли маҳаллий ўзини ўзи бошқаришда амалга оширилиши кўрсатилган. Ушбу таъриф халқ, оммавий ҳокимият тушунчаларига аниқлик киритади. Аммо оммавий ҳокимият табнати мазкур таснифдан ижтимоий ҳокимиятни чиқариб ташлаш ва давлат-ижтимоий ҳокимиятининг аралаш шакли ўрнига маҳаллий ҳокимият тушунчасини ишлатиш мантикан тўғрирок бўлишини кўрсатмоқда.

Маълумки, оммавий, яъни халқ ҳокимияти худудий ва умуммажбурий характерга эга бўлади. Ижтимоий ҳокимият эса, зикр этилган иккала белгининг бирорласига ҳам эга эмас. Маҳаллий ўзини ўзи бошқариши

айрим давлатларда жамоат бошқаруви сифатида эътироф этилса ҳам, барча давлатларда маҳаллий ёки муниципал хокимиятни амалга ошириши шубҳа остига олинмайди. Россиялик хукукшуносларнинг “махаллий хокимият – периферияда, Россия Федерациясида субъектлар ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш дарражасида фаолият кўрсатадиган ҳар кандай хокимият инстанциялари”[3] деган таърифи мантиқийдир. Бундан оммавий хокимият давлат ва маҳаллий хокимиятларидан иборатдир.

Хорижий давлатлар амалиётида оммавий хокимият давлат ва муниципал хокимиятларга ажратилган[4]. Лекин маҳаллий хокимиятнинг турли номланиши муайян методологик муаммоларни вужудга келтиради. Тўғри, муниципалитет – давлат хокимиятидан мустакил маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органи маъносини англатади. Лекин айрим давлатларда маҳаллий хокимият органлари муниципалитетлар деб номланмайди. Шу туфайли, оммавий, хусусан маҳаллий бошқарувнинг турли кўринишларига умумий тасниф бериш, ягона тизимга келтириш максадида худудий органлар хокимиятининг “махаллий” деб аталиши мантиқан тўғри бўлади.

Маҳаллий хокимият минтака, туман, шахар худудий бирликларида амалга оширилади. Унинг мазмунига кўра, маҳаллий хокимиятнинг ҳар бир органи ўз ваколатлари доирасидаги масалаларни мустакил равишда амалга оширади. Бундай ёндашувда давлатнинг худудий-сиёсий ташкил этиши худудларнинг институциаллашувига кулагай назарий асос яратади. Лекин хорижий давлатларда худудий-сиёсий ташкил этиши амалиёти, сиёсий ва хукукий фанларда турли карашларнинг мавжудлиги кўзланган мақсадга эришишини кийинлаштиради.

Айрим тадқиқотчилар давлатнинг худудий-сиёсий ташкил этилишини белгилаш учун икки, яъни “худудий-сиёсий уюшма” ва “сиёсий-худудий бўлинниш”[5] тушунчаларини ишлатганлар. Шунингдек, федерацияларга тарихан шаклланган миллий, маданий, диний ва бошка хусусиятларга эга автоном субъектлардан ташкил этилганлиги туфайли – давлат-миллий тузилиши [6], унитар давлатларга марказлашган давлат сифатида маъмурий-худудий тузилиш тушунчалари кўлланилади. Булардан ташкари, хорижий давлатлар конунчилиги ва илмий мулокотида “давлатнинг ташкил этилиши”, “давлатнинг маъмурий-худудий бўлинниши”, “давлат тузилиши” ёки “оммавий хокимиятнинг худудий ташкил этилиши” ва бошка тушунчаларнинг ҳам кўлланиши мазкур институтни ўрганишини кийинлаштиради.

- Тадқиқот методологияси (Research Methodology). Худудий давлатни шакллантириш унитар давлатларда, жумладан Ўзбекистонда кечеётган номарказлаштириш, ўз-ўзини бошқаришини ривожлантиришда намоён бўлади. Чунки худудлар мустакиллигини кенгайтириш уларнинг давлат хокимияти органлари ваколатларини амалга оширишида фукаролар иштирокини фаоллаштириш ва самарадорлигини оширишга хизмат килади. Шунингдек, Ўзбекистонда илмий мулокотга кириб келаётган хокимиятларнинг вертикаль бўлинниши [7] ғояларини, марказ ва минтақалар баробарида, куйи худудий бирликларга кўллаш худудий давлатни шакллантиришнинг назарий асосларини янада кенгрок ёритиш имконини беради. Зоро, худудий автономия давлат ва унинг худудий бирликлари ўртасидаги хокимият муносабатларини тартиба солишини назарда тутади.

Айрим тадқиқотчилар мавжуд оммавий бошқарув хусусиятларини умумлаштириб, уни ҳамкорлик (нисбий автономия деб ҳам юритилади [8]), агентлик, “ўзаро алокса концепцияси” каби моделларга таснифлаши алоҳида

кизикиш ўйғотади. Ҳамкорлик моделида марказий ва маҳаллий ҳокимият органлари ўртасида дўстлик, ҳамкорлик муносабатлари ўрнатилади (АҚШ, Швейцария, Голландия – Ж.Р.). Агентлик моделида маҳаллий хокимият органларига марказий хокимиятнинг жойлардаги агентлари сифатида каралиб, улар давлат томонидан самарали фаолиятининг кафолати хисобланади. “Ўзаро алокса концепцияси” да маҳаллий бошқарувнинг нисбатан мустакиллиги инобатга олинниб, давлат ва маҳаллий хокимият органлари фаолиятининг ўзаро боғлиқ томонлари аниқ ваколатлар доирасида белгилаб олинади [9]. Биринчи ва иккинчи моделлар таснифида марказ ва худудлар ўртасидаги муносабатларнинг мазмуни эмас, ҳолатига кўпроқ эътибор берилдиб, учаласи ҳам давлатнинг деярли барча худудий-сиёсий ташкил этиши шаклларига таалуклайдир.

Бошқарув таснифларидан француз сиёсатчуси Р.Драгонинг маҳаллий бошқарув моделлари хакидаги фикрлари эътиборга лойикдир. Унинг маҳаллий бошқарув шаклларини тўрт гурухга: 1) федерация, 2) ўзини ўзи бошқариш, 3) номарказлашган 4) марказлашган бошқарувларга ажратиши ҳам федератив, ҳам худудий, ҳам унитар давлатлар бошқарувини камраб олишга даъвогарлик килади [10]. Ушбу тасниф бошқарувни объектив моделлаштиримаса-да, давлат амалиёти, сиёсий ва хукукий фанлардаги давлатни худудий-сиёсий ташкил этишининг анъанавий меъёрларидан ташкарига чиқди. Илк бор оммавий бошқарувни марказ ва худудлар ўртасидаги мавжуд муносабатлардан келиб чиккан холда, моделлаштириш зарурати асослаб берилди. Бирок, давлат сиёсий-худудий тузилишининг бугунги кунда эътироф этилган тушунчаси ва таснифи давлат бошқарувнинг факат унитар, федератив ва минтақавий моделларини расман тан олмоқда.

Унитар, федератив ва минтақавий моделларнинг биринчисида давлат бошқарувни маъмурий-худудий бирликлар (вилоят, туманлар ва х.к.) воситасида амалга оширилади, иккинчисида федерация субъектлари давлатнинг таркиби кисмлари бўлади (маъмурий-худудий бўлинниш уларнинг ерларида амалга оширилади), учинчисида, аввал давлат худуди автоном тузилмаларга таксимланиб, кейинчалик улар маъмурий-худудий бирликларга бўлинади [11]. Ушбу таснифда куйи худудий бирликларнинг инобатга олинмаганлиги табиий ҳол. Лекин унитар давлатларда бошқарувни амалга ошириш шаклларига берилган таърифлар ушбу таснифи кайта кўриб чикиш эктиёжини намоён килмоқда.

Одатда, унитар давлатдаги бошқарувнинг амалга оширилиши марказлашган, номарказлашган ва нисбатан номарказлашган шаклларга ажратилади. Марказлашган бошқарувда давлатнинг барча маъмурий бирликларида вакиллик органлари бўлмаслиги мумкин, мавжуд бўлганда ҳам, маҳаллий хокимият органларининг барча мансабдор шахслари юкоридан тайинланади (Индонезия). Номарказлашган бошқарувда жойларда марказдан тайинланган, умумий ваколатларга эга бўлган мансабдор шахслар мавжуд бўлмайди. Куйи бўғинларда йиғинлар чакирилса, юкоридагиларга кенгашлар сайланади. Айрим маҳаллий мансабдор шахслар ҳам сайланishi мумкин (Буюк Британия, Япония ва бошк.). Нисбатан номарказлашган бошқарув маъмурий-худудий бирликларда ҳам марказдан тайинланган, умумий ваколатларга эга бўлган мансабдор шахслар (масалан, префект), ҳам сайланган Кенгашлар мавжудлиги билан ажralиб туради. Кенгаш ёки бевосита аҳоли маъмурият раҳбарини сайлайди. Куйи маъмурий бирликларда эса, кенгашнинг ўзи маҳаллий масалаларни ҳал киладиган мэрни сайлайди (Франция, Украина, Руминия, Ўзбекистонни ҳам ушбу шаклга киритиш мумкин – Ж.Р.).

- **Тахлил ва натижалар (Analysis and results).** Юкоридагилардан унитар давлатдаги номарказлашган шакл ва худудий давлат модели белгиларининг якнилигини кўриш мумкин. Бундай бошқарувни ташкил этиш, хусусан куйин худудий бирликлар автономиясини таъминлаш федератив давлатлар субъектларида ҳам долзарб масалалардан хисобланади. Шу туфайли, унитар давлатнинг номарказлашган шаклини – худудий давлат модели сифатида ажратиш барча давлатларда, хусусан федерацияларда ҳам, оммавий бошқарувни ташкил этиш эхтиёжларидан келиб чикади.

Таклиф этилаётган оммавий бошқарувнинг нисбатан номарказлашган ва марказлашган шакллари унитар давлатнинг худди шундай номланган шаклларига мос келади. Ушбу таснифнинг давлат худудий-снёсий ташкил этилишининг барча шаклларига кўлланниши катор федератив давлатлар худудий-снёсий ташкил этилишини объектив баҳолаш ва ривожлантириш истиқболларини белгилаш имконини беради. Масалан, Индонезия, Покистон, Хиндустон каби федератив давлатларнинг ҳам нисбатан номарказлашган оммавий бошқарув шаклига эгалигининг тан олиниши уларда оммавий бошқарувни ривожлантириш истиқболларини белгилаб беради. Демак, оммавий бошқарув ва давлатни худудий-снёсий ташкил этилишининг янги таснифи барча давлатларда худудларни снёсатнинг субъектига айланиш, институциаллашувни жараёнини ифодалайди.

Оммавий бошқарувнинг таклиф этилаётган модели худудларни ривожланиш тенденцияларига ҳам таъсир килади. Чунки бутунги кунда худудларнинг иктиносидий ва снёсий ривожланиш масалалари фақат минтақалаштириш жараённи сифатида ўрганилади ва ҳал килинади [12]. Ваҳоланки, иктиносидий ва бошка фанларда таъкидланишича, минтақалар баробарида, бошка худудлар ижтимоий-иктиносидий, снёсий ривожланишини уларнинг ўз-ўзини бошқаришига бевосита боғлик. Шу туфайли, худудлаштириш масалаларини ўрганиш ва амалга ошириш, минтақалаштиришга эса унинг тарқибий кисми сифатида каралса максадга мувоффик бўлади.

Худудлар ўзини ўзи ривожлантирища номарказлаштириш институти катта роль ўйнамоқда. Ўз наъбатида, номарказлаштириш ҳам маҳаллий бошқарув шакли, ҳам оммавий бошқарув услуги [13] ва уларнинг якуний максади, давлат, худудий ва маҳаллий даражаларда оптималь карорларни кабул килишга каратилиши кўрсатилган. Лекин айримлар номарказлаштиришдан минтақалаштиришни (худудлаштириши – Ж.Р.) фарқлашади. Номарказлаштириш марказий ҳокимият органлари функцияларини куйинга ўтказиш бўлса, минтақалаштириш

(худудлаштириш – Ж.Р.) карор кабул килиш жараёнига минтақавий (худудий – Ж.Р.) акторларни киртиши мақсадида мазкур жараённи кенгайтиради [14].

Худудлаштириш, номарказлаштириш, ўзини ўзи бошқариш ва худудлар институциаллашувнинг бошка фоялари давлатни худудий-снёсий ташкил этиш ҳамда оммавий бошқарувни худудий, номарказлашган, нисбатан номарказлашган, марказлашган шакллари ва моделларига таснифлаш мақсадда мувофиқлигини кўрсатади. Айниска, худудий оммавий бошқарув модели ҳакидаги тушунчанинг илмий мулокотга киртилиши бошқарувнинг демократлаштириш истикборларини объектив акс эттириб, уларни назарий асослаб беради. Демак, худудий бошқарув қайси даражада ва шаклда амалга оширилмасин, мазкур вазифани бажариш шаклланган вакиллик органлари, уларни ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат ташкилотлари ва фуқаролар билан якин алока ўрнатганлиги ва марказий ҳокимият органларида ўз манфаатларини амалга ошириш имконига эгалиги билан белгиланади.

Барча давлатларда “марказ-худудлар” ҳокимият муносабатлари ижтимоий тузилиш поляризациясининг кўрсаткичларидан бири хисобланади. Ушбу кўрсаткичининг тотал характерга эга бўлиб бориши барча, хусусан, ўтиш жараёнларини бошидан кечираётган жамиятлар тараккиётiga салбий таъсир кўрсатиши [15] табиий ҳолдир. Ушбу тенденция нафакат марказ-минтақа, балки барча худудлар, айниска, шаҳар-кишлек ва марказ-кишлек ўртасида ҳам кузатилади. Бу объектив жараён бўлиб, унинг салбий оқибатларнинг оддини олиш режали худудлаштириш, худудий снёсат юритишни такозо килади.

Хулоса ва таклифлар (Conclusion/Recommendations). Хулоса килиб айтганда, худудий давлатни шакллантириш, яъни худудий оммавий бошқарув модели бутунги кунда оммавий, иктиносидий, умуман, ижтимоий бошқарувни ривожлантириш мақсадида шаклланган минтақалаштириш, номарказлаштириш, ўз-ўзини бошқариш каби фояларни рўёба чиқаришга хизмат килади. Ушбу жараённи худудлаштириш сифатида илмий мулокотга киртиши эса, кўзланган максадга эришиш, хусусан, умумдавлат ва худудий манфаатлар мутаносиблигига эришишининг ташкилий-илмий асосларини тизимлаштириш имконини беради. Шу туфайли, Ўзбекистонда маҳалла, кишлек каби худудларни ривожлантириш, номарказлаштириш, умумдавлат ва худудий манфаатлар мутаносиблигига эришишининг худудлаштириш меъёларига мувоффик бўлиши, хусусан, худудларнинг институциаллашувини такозо килмоқда.

АДАБИЁТЛАР

- Халипов В.Ф. Введение в науку о власти. М.: Технологическая школа бизнеса, 1996. Унинг ўзи. Власть. Основы кратологии. М.: Луч, 1995. Унинг ўзи. Введение в науку о власти. М.: Технологическая школа бизнеса, 1996. Унинг ўзи. Власть. Основы кратологии. М.: Луч, 1995.
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони://Ўзбекистон Республикаси конун хужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда
- Конституционное право. Энциклопедический словарь. Ответственный редактор и руководитель авторского коллектива - доктор юридических наук, профессор С. А. Авакян. - М.: Издательство НОРМА (Издательская группа НОРМА - ИНФРА М), 2001. С. 351.
- Чиркин В.Е. Государственное и муниципальное управление: Учебник. — М.:Юристъ, 2003. С. 6.
- Пронкин С.В., Петрунина О.Е. Государственное управление зарубежных стран / С.В. Пронкин, О.Е.Петрунина 3-е изд., доп. и перераб. - М.: КДУ, 2007. С. 354.
- Златопольский Д.Л. Государственное право зарубежных стран: Восточной Европы и Азии. Учебник для вузов. - М.: Издательство «Зерцало», 2000. С. 179.
- Рузметов Х. Принцип разделения властей в организации деятельности местных органов государственной власти // Хукук, Право, Law. 2004/2. С. 34.

8. Local Government in Europe: Trends and Developments / Ed. R. Bartly, G. Stoker. Hounds-mills, 1991. P.6.
9. Қаранг: Смольяков А.А., Сулаков М.С. Историко-правовые тенденции распределения властных полномочий в области обеспечения законности между органами государственной власти и местным самоуправлением // История государства и права, 15/2007. С. 37.
10. Драго Р. Административная наука. - М.: Прогресс, 1982. С. 125.
11. Чиркин В.Е. Опыт зарубежного управления (государственное и муниципальное управление):-М.:Юристъ,2006. С. 32.
12. Малин А.С. Региональное управление - М: Изд. Дом ГУ ВШЭ, 2006. С. 17.
13. Тихомиров Ю.А. Централизация и децентрализация: динамика соотношения // Журнал российского права, 2/2007. С. 104.
14. Гоптарева И.Б. Некоторые проблемы многоуровневого управления в России; политico-правовой аспект // Современное право, 1/2007. С. 49.
15. Тощенко Ж.Т. Социология. 2-е изд., доп. и перераб. -М.: Прометей, Юрайт, 1999. С. 180.